



ЎЗКИМЁСАНОАТ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2022 йил 30-июн

**«Ўзкимёсаноат» АЖ тизимидаги
«Навоийазот» АЖнинг Поливинилхлорид
ишлаб чиқариш, каустик сода ва метанол
мажмуасида фаолият юритувчи Шарипова
Маҳлиё Эсан қизи Президентимиз
томонидан «Келажак бунёдкори» медали
билан мукофотланди**

Ўзининг юксак азму шижоати, билим ва салоҳияти, истеъдод ва қобилиятини намоён этиб, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан Янги Ўзбекистон тараққиётига, унинг шон-шуҳратини жаҳон миқёсида янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, эл-юртимизга меҳри ва садоқати, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпарварлик фазилатлари билан тенгдошларига ҳар томонлама ўрناк бўлиб келаётган ташаббускор ва етакчи ёшлар қаторида «Ўзкимёсаноат» АЖ тизимидаги «Навоийазот» АЖнинг Поливинилхлорид ишлаб чиқариш, каустик сода ва метанол мажмуасида фаолият юритувчи Шарипова Маҳлиё Эсан қизи Президентимиз томонидан «Келажак бунёдкори» медали билан мукофотланди. Бу юртбошимизнинг кимё саноатидаги ёшларга бўлган юксак эътиборининг ифодасидир!

Маҳлиё Шариповани яна бир бор «Ўзкимёсаноат» АЖ номидан шарафли мукофот билан табриклаймиз!

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkiyosanoat.uz/uz/press/news/sharipova-mahliyo-esan-qizi-kelajak-bunyodkori-medali-bilan-mukofotlandi>